Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 146 (20. 713) • 1990 йил 28 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Президенти М. С. Горбачев 26 июнь куни Кремлда Литва ССР Олий Советининг Раиси В. Ландсбергисни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Литва Олий Совети мустақиллик тўғрисида бир томонлама ҳужжат қабул қилиши муносабати билан юзага келган қийинчиликларни бартараф этиш йўллари тўғрисида гап борди. Литва раҳбарияти вакилига бу масалага доир музокаралар Литва Олий Советининг шу йил 11 мартда қабул қилган ҳужжатининг амал қилишини музокаралар даврида тўхтатиб қўйилган тақдирдагина янги иттифоқ шартномасини тайёрлаш ҳамда мустақил социалистик давлатлар иттифоқини барпо этиш тўғрисидаги жумҳуриятлараро мулоқот умумий доирасида ўтказилиши мумкинлиги айтилди.

Суҳбатда СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов қатнашди.

(ТАСС).

ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНДИ

26 июнь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби В. А. Медведев раислигида КПСС XXVIII съездига тайёргарлик комиссияси ишчи гуруҳининг мажлиси бўлди.

КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти лойиҳаси матнига РСФСР Компартиясининг таъсис съездида баён этилган мулоҳазалар ва таклифлар муҳокама қилинди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби Л. Н. Зайков, Микоян номли завод (Москва шаҳри) партия комитетининг котиби С. И. Горюшкин, КПСС Марказий Комитети мафкура бўлимининг мудири А. С. Капто, СССР Фанлар академияси умумий физика институти лабораториясининг мудири Г. В. Козлов, СССР Тиббиёт фанлари академияси Бутуниттифоқ кардиология илмий маркази директорининг ўринбосари В. В. Кухарчук, «Автоприбор илмий тадқиқот институти» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг котиби В. А. Лякишев, КПСС Марказий Комитети миллий муносабатлар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. А. Михайлов, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, КПСС Ленин район комитетининг (Москва шаҳри) биринчи котиби В. Н. Сеньков, СССР Фанлар академияси фалсафа институтининг директори В. С. Степин, Владимир Ильич номли Москва электромеханика заводи илмий-инженерлик маркази бошлиғининг ўринбосари А. Е. Федотов, СССР Фанлар академияси социология институтининг директори В. А. Ядов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Мамлакат коммунистларининг кўпдан-кўп мурожаатларига, РСФСР Компартияси таъсис съезди ва КПСС XXVIII съезди делегатларининг истакларига биноан ишчи гуруҳи тайёрлаган дастурий баёнот нусхаси «Правда» газетасида эълон қилинади.

(ТАСС).

КПСС XXVIII съезди делегатлари

ЯГОНА МАҚСАД

— КПСС XXVIII съездида муҳокама этиладиган масалалар орасида қайси бир муаммога алоҳида урғу берган бўлардингиз? Сизни ҳозир қандай масалалар кўпроқ тавишлантирянти?

«Совет Ўзбекистони» мухбири қашқадарёлик бир гуруҳ съезд делегатларига ана шу каби саволлар билан мурожаат қилди.

• *Бизнинг суҳбат*

Н. ҲАСАНОВ, Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз правленияси раиси:

— Маълумки, ҳозир партиямиз ҳаётида жўшқин давр. Партия янгиланиб боряпти деймизу, аммо бир қанча носоғлом кучлар ҳам бор. Айрим партия комитетлари фаолиятида бўшанглик, долзарб масалаларни четлаб ўтиш ҳоллари ана шунга имкон бермоқда. Орада масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилаётган коммунистлар ҳам йўқ эмас. Рўй бераётган воқеалар, қийинчиликлар кўпинча одамларга очиқ-ойдин айтилмаяпти. Бошқарувда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ «миш-миш»лар колхозимиз аҳолисини жиддий саросимага солиб қўйди. Қишлоқлардаги маҳаллаларда ва дала шийпонларида мамлакат тақдирига боғлиқ қарор ва қонунларнинг моҳиятини тушунтиришга тўғри келди.

А. Эшбоев, Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони:

— 32 йилдан бери бош чўпонман. Лекин шу даврнинг ичида партия ташкилотлари амалга оширган барча ишларнинг гувоҳи бўлганман. Коммунистнинг ҳар соҳада ўз ўрни, мавқеи бўлиши керак. Аммо амалда баъзан бунинг тескарисини кўряпмиз. Шундай коммунистлар ҳам борки, улар ўз ҳамкасбларига сира ҳам ўрнак кўрсатолмайдилар. Планларни мунтазам бажармайдигач, шахсий ҳаёти, турмуш-турмуши билан одамларнинг нафратини қўзғатаётган партия аъзолари ҳам борки, шундайларнинг қилиш-қилмишлари охир оқибатда партия обрўсига путур етказмоқда. Хўш, нега энди мана шундай кишиларни ўз сафимиздан чиқариб ташламаётмиз. Аллақачон шундай қилишимиз зарур эди.

А. Олейник «Каршистрой» бирлашмаси партия комитети секретари:

— Партиянинг мавқеини сақлаш муҳим масала. Афсуски, мамлакат миқёсида оладиган бўлсак партияни бўлиб ташлашга уринган гуруҳлар кучайиб бораётганидан безовтаман. КПСС ягона бўлмоғи лозим. Шундагина партиянинг ичидаги инқирозни бартараф этиш мумкин. Юқоридан кўрсатма кутиб, иккиланиб турган коммунистлар ҳозир партияга зарар етказяпти. Бундай кутувчилар мен секретарлик қилаётган бошқарма партия ташкилотига уюшган 1700 нафар коммунист орасида ҳам бор. Масъулиятсизлик нималарга олиб келмайди. Аввало ана шу кузатувчилик партиянинг энг юқори органда — марказда кўзга ташланаётганлиги гоят ачинарлидир.

Сизнингча биринчи навбатда қандай ишларни амалга оширмоқ керак?

Н. ҲАСАНОВ: — КПСС XXVIII съездида партиянинг жамиятдаги ролини, унинг мамлакатда мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги аҳамиятини аниқ белгилаб олиш лозим. Мен колхоз раиси сифатида эмас, оддий коммунист сифатида шуни айтмоқчиманки, омма орасида партиянинг обрўйини оширишга тайёрман.

С. Муродова, Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» колхози бригада бошлиғи:

— Биринчи навбатда меҳнат коллективларига нормал ишлаш имконини бермоғимиз лозим. Иқтисодий қонунларни мафкуравий, қотиб қолган фикрлар билан алмаштирмаслик керак. Жумҳуриятлар, вилоятлар мустақиллигини таъминламоқ лозим.

М. Гелдиева, Қарши район партия комитетининг биринчи котиби:

— Съездда принципиал асосда бирлашишга эришиш ягона мақсад бўлмоғи керак. Демократик Централизм принципига амал қилиш Устав бўйича партияга қабул қилишда амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этиш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини амалий ишга кўчириш имконини беради. Менимча партия ташкилотларида коммунистлар орасида оғиш ва тарқалиш бўлмаслиги керак.

— Съездан нимани кутяпсизлар?

С. МУРОДОВА: — Аниқ ҳаракат программасини кутяпмиз. Бу давлатимиз жипслиги, озодлик ва демократия, халқнинг турмуш тарзини юксак даражага кўтаришдан иборат. Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида КПССнинг роли ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ижобий томонга янгилаш ҳақида гап бўлишини истайман.

Н. ҲАСАНОВ: — Агар съездда менга сўз беришса, мамлакатда қайта қуриш йўлида дуч келинаётган муаммоларни бартараф этиш, партиянинг янгиланишига эришиш, миллий масалаларга боғлиқ камчиликларга тезроқ барҳам бериш тўғрисида гапирардим.

А. ЭШБОЕВ: — Билишимча районимизда 13 минг, вилоятда 70 мингдан зиёд ишсиз бор. Ишсизлик жуда катта муаммо. Буни бартараф этиш ҳақида ўйлаш керак. Халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга доир бошқа социал муаммолар ҳам тўла-тўкис ечимини топмаяпти. Съездда ана шулар ҳақида фикр юритилиши ва тегишли муҳим қарор қабул қилинишини хоҳлардим.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС XXVIII съездига жумҳуриятимиз вилоятлари партия конференцияларида сайланган делегатлар орасида партком котиби Галина Григорян (суратқаш — В. Молгачев), шифокор Шамолитдин Усмонов (суратқаш — Р. Ашуров) ва пахтачилик бригадаси бошлиғи Ўлмасбой Мурхонов (суратқаш — Т. Ҳамроқулов) ҳам бор.

МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

◆ **Пойтахтимиздаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари жумҳуриятимизда эмас, айни чоғда Иттифоқимизда ҳам харидоргир бўлиб бораётир. Цехлар реконструкция қилинмоқда. Маҳсулот турлари кўпайтирилиб, унинг сифати яхшиланяпти.**

Партия комитети ишни давр талаблари даражасида ташкил этишга ҳаракат қилаётир. Бунда ҳар бир коммунист фикри ҳисобга олинади. Ишда расмиятчилик ёндашувларидан воз кечилди. Партия комитети котибаси Г. Григорян бу ишларга бош-қош. У 1983 йилдан бери шу вазифада. Котиба ўзбек тилини яхши билиши туфайли ишчилар билан яқиндан бемалол сўзлашиб, юзага келган муаммоларни бригаликда ҳал этиш йўлларини излайди.

ШИФОКОР СЎЗИ

◆ **— Соғлиқни сақлаш ишини тубдан яхшилаш биринчи даражали вазифалардан, — дейди Андижон район касалхонасининг шифокори Ш. Усмонов. — Даволаш муассасаларида тиббиёт ускуналари ва дори-дармонлар аксарият ҳолларда етишмайди. Мутахассислар баъзан икки-уч йўналишда қабул ўтказишади. Уларнинг малакасини ошириш устида қайғуришимиз керак.**

Ш. Усмонов касалхонанинг тажрибали шифокори. Ишдан бўш пайтларида аҳоли ўртасида бўлади. Тиббиёт мавзуларида суҳбатлар ўтказади. Жамоат ишларида фаол. У қишлоқ Советининг депутати.

ОБРЎ—МЕҲНАТДАН

◆ **Ўлмасбой Мурхонов эл ардоқлаётган пахтакорлардан бири. Ўн беш йилдан ошдики, у бригада пахтакорлари етакчиси. Ҳар қулоч ердан мумкин қадар самарали фойдаланиш ташаббускори сифатида танилган. Унинг бригадаси аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил кўтаришди. Бу йил эса ҳосилдорлик 35 центнерга етказилади. (Бувайда райони, «Октябрь» колхози).**

Эълон қилинаётган суратлавҳалар унинг ҳаётидаги бир кунни тасвирлайди. Уларни шундай номлаш мумкин: «Пахтазорнинг ўзида муаммо ҳал этилмоқда», «Оила аъзолари даврасида», «Ғўза қатор ораларига ишлов беришда дақиқа қадри ҳақида мулоқот».

КПСС Марказий Комитети комиссияси аъзолари гуруҳининг мажлиси

26 июнь куни КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига тайёргарлик комиссияси аъзолари гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда КПСС янги Уставининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари — съезд делегатлари Устав лойиҳасига бир қанча аниқ-равшан таклифлар ва қўшимчалар киритдилар, лойиҳанинг айрим, энг муҳим қоидаларининг турли нусхаларини кўриб чиқдилар ва уларга ўз муносабатларини баён этдилар.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, Марказий Комитет котиби Г. П. Разумовский олиб борди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

«Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида

1. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони тўғрисидаги Низом ҳамда ушбу фахрий унвон кўкрак нишони тасвири тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон ССР халқ ҳозифи» фахрий унвони белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари тўғрисидаги Низомга қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

10-модданинг «д» бўлими «Ўзбекистон ССР халқ артисти» сўзларидан сўнг «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» сўзлари билан тўлдирилсин;

12-модда. «Ўзбекистон ССР халқ артисти» бўлимидан сўнг қуйидаги мазмундаги бўлим билан тўлдирилсин: «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» — ашулачиларга юксак ижрочилик маҳорати, классик мусиқий меросни, Ўзбекистон мусиқий — назм санъатининг анъанавий шаклларини ўзлаштирганлик ва ривожлантирганлик, фаол тарғиб этганлик учун.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 26 июнь.

(«Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони тўғрисида Низом ва «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» кўкрак нишони тасвири матнлари ҳамда Фармон шарҳи билан газетанинг иккинчи саҳифасида танишасиз).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

25 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисни жумҳурият Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов бошқариб борди.

Мажлисда Олий Совет Президиумининг 1990 йил 3 мартда Паркент районида юз берган оммавий тартибсизликлар тафсилотлари ва оқибатларини текшириш комиссиясининг ахбороти тинглади, комиссия ҳамраиси Ш. З. Ўразаев ахборот берди.

Масалани муҳокама қилишда Ўзбекистон Компартияси Паркент район комитетининг биринчи котиби Э. Рўзиматов, жумҳурият ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Г. Гусев, СССР халқ депутати, халқ депутатлари Тошкент вилояти Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР прокуратураси тергов қисми бошлиғининг ўринбосари Ш. Орипов, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси бўлим прокурори А. С. Шульгин, СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси М. М. Мирқосимов, Тошкент вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи З. А. Алматов, Тошкент вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Н. Волков, Ўзбекистон ССР Олий Совети комитетларининг раислари ҳамда бошқа Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қатнашдилар.

Комиссия материалларини тегишли чораларни кўриш учун жумҳурият прокуратурасига ва Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратурасига юборишга қарор қилинди.

Президиум халқ депутатлари Тошкент вилоят Совети раиси С. М. Мамарасуловнинг Паркент районидаги воқеалар ҳамда уларнинг сабабларини ва оқибатларини бартараф этиш чоралари тўғрисидаги масала вилоят Советининг навбатдаги сессия муҳокамасига қўйилиши тўғрисида айтган гаплари маълумот учун қабул қилинди.

Тошкент вилоят Совети ижроия комитетига Паркент районини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир таклифларни жумҳурият Министрлар Кенгашига киритиш топширилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ М. М. МИРҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Мираҳмад Мирҳожиевич Мирқосимов Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Б. Ф. САТИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Борис Федорович Сатин бошқа ишга ўтиши ва жумҳуриятдан ташқарига кетиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Б. С. ҲАМИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ПЛАН КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг раиси қилиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Н. Ё. ҒОЙИБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАСДИҚЛАШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Наим Ёвқочович Ғойибов Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон ССР маданият министри қилиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Г. ЁҚУБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Ганжа Ёқубов Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Р. И. КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Рустам Иброҳимович Каримов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Р. В. АБДУҚОДИРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ИШЛАР МУДИРИ ҚИЛИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Равиль Ваҳобович Абдуқодиров Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудири қилиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

• *КПСС XXVIII съезди олдидан: коммунист нуқтаи назари*

ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

В. И. Ленин номидаги ТошДУ ректори, КПСС XXVIII съезди делегати, СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси Эркин ЮСУПОВ билан мулоқот

— Эркин Юсупович, аввало Ўзбекистон коммунистларининг XXII съезди ва унинг якунлари ҳақида фикрларингиз!

— Съезд ҳақида турлича фикрлар бор. Менингча, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди кўрилган масалаларнинг аҳамияти ва кўлами жиҳатдан олдинги съездлардан анча фарқ қилади. Илгариги съездларда дабдабабозлик, ҳаётнинг ҳамма соҳаларини пардозлаб, қилинган ишларни бўрттириб кўрсатиш, келажак истиқбол ҳақида эса амалга ошириш қийин бўлган масалаларни ўртага қўйиш ҳукм сурган эди. Жуда «кўтаринки» руҳ билан ўтган съездлар гулдурос қарсаклар билан бошланар, гулдурос қарсаклар билан тугалланар эди. Лекин XXII съезд эса буидай ҳолатда ўтди, деб айта олмайман. Бироқ бу съездда ҳам ўтмишдан мерос бўлиб қолган ҳаётий қийин масалаларни кескин ва кўндаланг қўймаслик, ҳаёт ва тараққиётнинг энг мураккаб масалаларини очиқ-ойдин, дадил ўртага ташламаслик ҳолатлари бироз бўлсада намоён бўлди. Сабаб шундаки, ҳаётнинг ўзини ўзгартиришдан кўра кишиларнинг эътиқодини ўзгартириш анча қийинроқ бўлади. Бу ҳаёт қонунидир. Мен қайта қуриш тарафдориман, деб кўкрагига урувчи «мардлар» кўп. Афсуски, уларнинг айримлари ҳаётга мослашиш йўлига кўпроқ эътибор бериб, қайта қуриш муаммоларини, мушкулотларини аниқ ва чуқур тасаввур қила олмайдилар. Ҳозирги кундаги энг катта масала кишиларнинг, биринчи навбатда раҳбарларнинг иш услубларида, эътиқодларида, келажак режаларини аниқ ва чуқур тушунишларида қайта қуришни амалга оширишдадир. Бизга қайта қуриш шароитига мослашдиган одамлар эмас, балки унга эътиқод, ишонч билан киришадиган, унга ўзининг амалий ҳиссасини қўшадиган одамлар керак. Бу борада эса ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

— XXII съездда Марказкомнинг биринчи котиби қилган Сиёсий маъруза дадил, бақувват, кенг қамровли, чуқур сиёсий ва иқтисодий таҳлилга бой бўлди. Аммо, назаримда, маъруза юзасидан музокаралар у қадар дадил бўлмади.

— Албатта, бу саволингиздаги фикрга мен тўла қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам И. А. Каримовнинг съездга қилган Сиёсий маърузаси сиёсий жиҳатдан ниҳоятда пишиқ-пухта бўлиб, республика партия ташкилотини мустаҳкамлаш, жумҳуриятимиз тараққиёти истиқболларини кенг кўламда ёритиш билан боғлиқ бўлди. Сиёсий маърузада умуман, Ўзбекистон партия ташкилоти ҳаётида ўтган беш йил ичида бўлиб ўтган воқеалар очиқ-ошкора, дадиллик билан таҳлил қилиб берилди. Бу ерда гап умуман партия фаолияти ва тараққиётимизга асос бўлган мафкуранинг инқирози ҳақида эмас, балки тўғри ғояларга ижодий ёндашмаслик, уларни ҳаётга кўр-кўрона тадбиқ қилишга уриниш билан боғлиқ бўлган хатолар ҳақида гап борди. Шу нарса очиқ айтилдики, социалистик тараққиёт истиқболларини гумон ва шубҳа остига олиш мумкин эмас, балки шу тузумда мавжуд бўлган имкониятлардан тараққиётнинг ҳар бир давридаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдалана билиш лозимдир. Бизнинг тараққиётимиздаги нуқсонлар социалистик тараққиёт назариясини бузишдан, ҳаёт ҳақиқатини билмай туриб, буйруқбозликка, маъмурий тадбирларни зўрлик билан ўтказишга, социалистик демократияни оёқ ости қилишга ҳаракат қилишдан келиб чиққан оқибатдир. Бу борада мақсад билан восита ўртасида ҳам катта узилиш бошланди. Бизнинг мақсадимиз социализм ва коммунизмдир, деган ғоя нотўғри талқин қилина бошлади. Аслида бизнинг мақсадимиз инсон ва унинг моддий-маънавий эҳтиёжларини мукаммал қондиришдир. Социалистик тузум эса шу мақсад йўлидаги воситадир. Амалда, ҳақиқатда эса ана шу асосий мақсад сояда қолиб кетди. Меҳнаткашлар оммасига эса ҳаётдан узоқ бўлган, кўр-кўрона ғояларни бажарувчи куч сифатида қаралди. Биз тараққиётимизда босиб ўтилган қадамлар, амалга оширилган чора-тадбирларни санаб ўтишдан чарчамадик. Бундай оғишлардан халқ зарар кўраётганлиги ҳақида чуқур бош қотирмадик. Шунинг учун ҳам қилинган ишларнинг саноғи кўп бўлди, лекин одамларнинг моддий ва маданий ҳаёти яхшиланмади, балки янада пасайиб кетди. Сиёсий маърузада мана шу ҳолат атрофлича таҳлил қилиб берилди.

Кўтарилган яна бир муҳим масала республикамизнинг имкониятлари ва истиқболи масаласидир. Бу борада ҳам дадил фикрлар айтилди ва етилган муаммоларни ҳал этишнинг аниқ режалари тузиб берилди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Ўзбекистон жуда катта тараққиёт имкониятларига эга бўлган жумҳуриятдир. Ўзбеклар ҳам ҳалол, меҳнатсевар, софдил бўлиш билан бирга тўқ ва фаровон турмуш кечиришга тўла ҳақли, бунинг учун катта имконияти бор миллатдир. Бу фикр жумҳуриятимизда яшовчи барча миллатларга ҳам таалуқлидир. Афсуски, жумҳуриятимиз тараққиётида марказдан берилган буйруқлар асосий ўринни олганлиги учун, бу буйруқларда жумҳуриятнинг ва меҳнаткашларнинг манфаатлари чуқур ҳисобга олинмаганлиги учун иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт структурасида катта бузилишлар бўлди. Жумҳуриятимиз мамлакатнинг катта хом ашё манбаига айланди. Саноатнинг структураси ҳам шу асосда шакллана бошлади. Албатта, жумҳуриятимизда замонавий саноатнинг турли соҳаларига оид кўплаб корхоналар ҳам бор. Уларнинг маълум қисми марказий министрликларга бўйсунганлиги учун жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсата олмади. Маҳаллий миллат вакилларидан ишчилар синфи шакллашишига бир ёқлама муносабатда бўлиш орқасида йирик корхоналарда ишлайдиган ишчиларнинг, мутахассисларнинг маълум қисми ҳам мамлакатимизнинг марказий регионларидан келтирилган. Шунинг учун сиёсий маърузада жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири сифатида қишлоқ хўжалиги ва саноат структурасини тубдан янгилаш масаласи ўртага қўйилди. Иқтисодий мустақилликка эришиш учун давлат буюртмаларини йўқ қилиш ёки биринчи даврларда ҳеч бўлмаса ярмига қисқартириш керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган narx-наво юқоридан узоқ муддатларга белгиланмасдан, жумҳуриятлар ўртасидаги шартнома асосида белгиланмоғи лозим. Шундай қилинган тақдирдагина жафокаш, қўли қадоқ деҳқон ўз меҳнатининг самарасидан манфаатдор бўлмоғи мумкин. Шу ўринда бир неча мисоллар келтираман. Агар етиштирилган пахта толасининг 600-700 минг тоннасини мустақил сотиш имкониятига эга бўлганимизда жумҳуриятимизда иқтисодий аҳвол анчагина яхшиланган бўлур эди. Айтайлик, ҳозир мамлакатимиз ҳар йили хорижий мамлакатлардан майиз сотиб олиш учун 35 миллион доллар сарфламоқда. Агар шу маблағнинг 20 миллион доллари Ўзбекистон учун сарфланганида биз жаҳон бозорини олий нав майизлар билан тўлдириб юборган бўлардик. Пилла, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотлар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Барча ер ости бойликлари ҳам жумҳуриятнинг ўз мулки бўлмоғи зарур.

— Сиёсий маърузада мафкура масалаларига, халқнинг маънавий камолотига ҳам катта эътибор берилди. Мафкура соҳасидаги йирик мутахассислардан бири сифатида бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Дарҳақиқат, мафкура масалаларида ҳам биз олдинги тор эътиқод доираларидан чиқиб, умуминсоний қадриятларни янгича англаш сари бормоқдамиз. Бу жамиятнинг маънавий юксалиши борасида янги имкониятларнинг очилиши демакдир. Маданий мероса ҳам шу мезон асосида ёндашмоғимиз зарурат бўлиб қолди. Меҳнаткашлар тўқ, фаровон ва маданий турмуш кечирсагина жамият бой бўлади. Бойлиги кўп, лекин халқи ночор, маданий савияси заиф бўлган мамлакатни адолатли мамлакат, деб бўлмайди. Социалистик жамият қуриш ҳақидаги ғоявий эътиқодларимизнинг баъзи томонларига холисона ва одилона қараш зарур бўлиб қолди. Бу масалада ҳам биринчи, лекин анча муҳим қадамлар қўйилгани Сиёсий маърузада қайд қилиб ўтилди.

Умуман, Сиёсий маърузада қўйилган режалар қандайдир афсона эмас, балки етти ўлчаб бир кес, деган шиор асосида, ўйлаб ўртага қўйилган режалардир. Маърузада миллий муносабатлар масаласига ҳам катта эътибор берилди. Албатта биз бу муаммода жумҳуриятимиз кўпмиллатли эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Бизнинг режаларимиз бир миллат манфаатлари билан эмас, балки жумҳуриятимизда яшаётган, қўлни қўлга бериб ҳалол меҳнат қилаётган барча халқларнинг манфаатлари билан боғлиқ бўлмоғи керак. Ўзбеклардан ташқари тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, қорақалпоқлар ҳам шу маконда минглаб йиллардан буён яшаётган туб ерли аҳолидир. Ҳозирги кунда миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллий ҳудбинлик таъсирига берилиш ниҳоятда зарарлидир. Агар миллатлар орасига нифоқ солинса, миллий зиддиятлар кучайса, нўтарилган асосий иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қила олмаймиз.

Яқинда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Олмаотада учрашиб, ўзаро маслаҳатлашишгани, уларнинг қабул қилган Баёноти ва халқларимизга Мурожаатномаси, шунингдек, ҳукуматларимиз ўртасида тузилган Битим оқилона қадам бўлди. Бу хайрли ва эзгу тадбирдан кузланган пировард мақсад — биринчидан, одамларимизни бир-бирига яқинлаштиришдан иборат бўлса, иккинчидан, кўп жиҳатлари ўхшаш ва уйғун бўлган хонадонларимиз, рўзғорларимиздаги барча муш-кулотларни иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик орқали биргаликда бартараф этиш ва ҳаётимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва ҳаётимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва ҳаётимизни ҳар томонлама ривожлантири

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ССР Иттифоқининг Меҳнат тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

ССР Иттифоқи Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1970 йил 15 июлда СССР Қонуни билан тасдиқланган ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Меҳнат қонунлари асосларига (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1970 йил, № 29, 265-модда; 1982 йил, № 19, 318-модда; 1983 йил, №5, 74-модда; №33, 507-модда; 1988 йил, № 6, 95-модда):

1) 18-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18-модда. Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети билан келишмай туриб меҳнат шартномасини маъмурият ташаббуси билан бекор қилишни тақиқлаш.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ташаббуси билан корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитетининг розилигисиз меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустаснодир:

корхона, муассаса, ташкилотнинг тугатилиши;

ишга қабул қилиш вақтида белгиланган синовнинг қониқарсиз натижа бериши;

Ўриндош бўлмаган бошқа ходимни ишга қабул қилиш ёки ўриндошлик асосида ишлашга чеклаш жорий этилиши муносабати билан ўриндошлик ишидан бўшатиш».

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларини, шунингдек, лавозимга ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органлари томонидан сайланадиган, тасдиқланадиган ёки тайинланадиган раҳбар ходимлар корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитетининг розилигисиз ишдан бўшатилиши мумкин;

2) 86-модданинг биринчи қисми 1-бандидаги «Корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда касаба союз комитети билан маъмуриятнинг тенг миқдордаги вакилларидан иборат қилиб тузиладиган сўзлари «Корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда меҳнат жамоалари сайлаб қўядиган» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлар томонидан сайланадиган, тасдиқланадиган ёки тайинланадиган раҳбар ходимларнинг ишдан бўшатилиш, ишдан бўшатиш сабаблари баёни ва вақтини ўзгартириш, бошқа ишга ўтказиш, мажбуран ишга чиқмаган вақти учун ҳақ тўлаш ёки ҳақ тўланмайдиган ишни бажариш ҳамда интизомий чора кўришга доир меҳнат низолари юқори органлар томонидан кўриб чиқилади. Меҳнат низоларини кўриб чиқишнинг умумий тартиби сайлаб қўйиладиган сайлаб қўювчи органнинг қарори билан вазифасидан муддатидан олдин бўшатиладиган ходимларга, шунингдек, прокурорларга, уларнинг ўринбосарларига, ёрдамчиларига, прокуратурадаги терговчиларга нисбатан қўлланмайди.

3) 87-модданинг иккинчи қисми чиқариб ташлансин.

4) 88-модданинг биринчи қисми қуйидагича таҳрирда баён қилинсин:

«Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар касаба уюшмаларининг комитетлари ишчилар ва хизматчилар ёки маъмурият меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссияси қарорига рози бўлмасалар уларнинг аризаларига мувофиқ меҳнат низоларини кўриб чиқадилар ва моҳияти юзасидан қарор чиқарадилар»;

5) 89-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«89-модда. Район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низоларини кўриб чиқиш

Район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низолари қуйидаги аризалар асосида кўриб чиқилади:

а) ишчилар, хизматчилар ёки маъмуриятнинг меҳнат низоларини кўрувчи комиссия қарорига ёки корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмасининг цех комитети) қарорига рози эмаслиги ҳақидаги аризаси;

б) агар меҳнат низоларини кўрувчи комиссия қарори ёки касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) қарори амалдаги қонунларга зид бўлса, прокурорнинг норозилиги асосида.

Бевосита район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низолари қуйидаги аризалар асосида кўриб чиқилади:

а) меҳнат низоларини кўрувчи комиссия тузилмайдиган корхона, муассаса, ташкилот ишчилари ва хизматчилари аризалари;

б) ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тиклаш, ишдан бўшатиш вақтини ва сабаблари таърифини ўзгартириш (низоларини кўриб чиқишнинг ўзга тартиби белгиланган ходимларнинг низолари бундан истисно), шунингдек, мажбурий ишга чиқмаслик ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажариш учун ҳақ тўлашга доир аризаларига биноан;

в) маъмуриятнинг ишчилар ва хизматчилар корхонага, муассасага, ташкилотга етказган зарарини ундириб олиш тўғрисидаги аризасига биноан;

г) ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат қонунларини қўлланишнинг амалдаги қонунларга мувофиқ маъмурият томонидан корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) розилиги билан ёки келишган ҳолда уларга берилган ҳуқуқлар доирасида ҳал қилиб қўйган масаласига доир аризасига биноан.

Бевосита район (шаҳар) халқ судларида ишга қабул қилишдан бош тортиш тўғрисидаги меҳнат низолари кўриб ҳам чиқилади:

а) бошқа корхона, муассаса, ташкилотдан ишга ўтказиш тартибида ишга таклиф қилинган ходимларнинг аризаларига биноан;

б) олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битирган ёш мутахассислар, шунингдек, ҳунар-техника билим юртини битирган ва белгиланган тартибда мазкур корхонага, муассасага, ташкилотга ишга юборилган шахсларнинг аризаларига биноан;

в) корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган бошқа шахсларнинг аризаларига биноан»;

6) 90-модданинг тўртинчи қисмидаги «бўйсуниш тартибида» сўзлари олиб ташлансин;

7) 94-моддадаги биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари томонидан сайланадиган, тасдиқланадиган ёки тайинланадиган раҳбар ходимлари ишдан бўшатиш, ишдан бўшатиш вақтини ва сабаби таърифини ўзгартириш, бошқа ишга ўтказиш, мажбуран ишга қатнашмаслик ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажариш ва қувончларига жўровоз бўлмоқда.

Рўзноманинг биринчи сони чиққан куннинг 70 йиллиги халқ инқилоби ғалаба қозониб, Бухорода Совет Халқ Республикаси барпо этилган куннинг 70 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Бухоро халқ вақтли матбуотининг тарихи «Қутулиш» газетасининг туғилиши билан узвий боғланган. 1920 йилнинг 28 июнь куни чоп этила бошланган дастлабки сонлариданоқ оммани амирлик салтанатига қарши қўзғалишга даъват этган, озодлик ва бахтли ҳаётга чорлаб, жаҳолат занжирларини парчалаб ташлашга илҳомлантирган «Қутулиш» Бухоро инқилобини тайёрлаш ва уни ўтказишда даъваткор куч бўлиб хизмат қилди. Халқ инқилоби ғалаба қозониб, ўлкада Советлар ҳокимияти ўрнатилгач, рўзномамиз 1920 йилнинг 9 сентябридан «Бухоро ахбори» деган ном билан чиқа бошлади.

Ўлкада инқилоб ғалабаларини мустаҳкамлаб, меҳнаткаш оммани озодлик, тенглик ва адолат нурлари билан нурафшон эта бориб, газета «Озод Бухоро», «Бухоро пролетари» номлари билан ўз муштарийлари қалбидан муносиб жой топа олди. 1938 йилда Бухоро вилояти ташкил топиши билан ижодий эсафетани «Бухоро ҳақиқати» қабул қилди.

Областимиз меҳнаткашлари «Бухоро ҳақиқати» газетасини севиб ўқийдилар ва уни қадрлайдилар. Ленинча большевистик матбуот анъаналарига содиқ бўлган газета воҳада инқилобий . воқеаларни тайёрлашда, ёш жумҳуриятни ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнади, меҳнаткашларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда, халқ хўжалигини ривожлантиришда ва илк беш йилликлар планларини муваффақиятли бажаришда ташкилотчилик ва сафарбар этувчилик ролини ўтади.

Улуғ Ватан уруши йилларида «Бухоро ҳақиқати» немис-фашист босқинчиларига қарши курашда партия ва халққа кўмаклашди, совет қишиларининг мардлиги ва жасорати ҳақида ҳикоя қилиб, ҳамюртларимизнинг жанговар ишларини, фронт билан фронт орқасининг мустаҳкам алоқасини ёритди, урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ҳам вилоят партия ва совет органларининг содиқ ёрдамчиси бўлди. Бу анъаналар ҳозирги кунларда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

«Бухоро ҳақиқати»нинг 70 йиллигини нишонлар эканмиз, унинг босиб ўтган ижод ва камолот йўлига, кураш ва ғалабалар солномасини яратишдаги хизматларига, ўлка матбуотини ривожлантириш тарихига назар ташлаймиз. Бухоро халқ вақтли матбуоти ижодкорлари, унинг инқилобий бешигини тебратган ажойиб сўз соҳибларининг меҳнатларига муносиб баҳо берамиз, улар бошлаган иш ва анъаналарга содиқ қолиб, унинг саҳифаларини янада бойитиш йўлларини излаймиз.

Жумҳуриятимизнинг атоқли сўз устаси, моҳир таржимон Рустам Абдураҳмонов рўзномамизни «Менинг биринчи тарбия мактабим, биринчи муаллимим» деб атаган бўлса, академик Воҳид Абдуллаев қўлини кўксига қўйиб: «Хизматда борман, қалбим сеники, севимли газетам!» деб хитоб қилган эди.

Тожик ва ўзбек халқларининг севимли ёзувчиси Садриддин Айний ўз фаолиятини газетамиз билан маҳкам боғлаган эди. Бухоро фарзанди, ўз овози, услуби ва ижод йўлига эга бўлган жангчи — шоир, ҳамшаҳримиз Султон Жўра шеърлари дастлаб «Бухоро пролетари» саҳифаларида босилган эди.

Рўзномамиз эндиликда жумҳуриятда танилган бир қатор шоир ва ёзувчилар, қаламкашларнинг ижодий мактаби бўлиб қолди. Жумладан Жамол Камол, Неъмат Аминов, Тошпўлат Аҳмедов, Муҳаммад Салом, Сафар Барноев, Тилак Жўра, Аминжон Шукуров, Нортўхта Қиличев, Олим Жўраев каби қаламкашлар шулар жумласидандир.

Журналистларимиз яратувчилик солномасини битар эканлар катта социал ўзгаришларнинг жонли гувоҳи бўлдилар. Амударё суви Қоракўлга, кейинчалик Бухорога келиб, ташна ерларни қондирганлиги, Қизилқум саҳроси марказида қад кўтарган Навоий ва Зарафшон шаҳарлари гўзал ва кўркам масканларга айланганлиги, Газли оловларининг довруғи оламга ёйилганлиги, Бухоро — Урал — Марказ газ йўллари қурувчилари жасоратининг газетамиз саҳифаларида ифодаланиши эндиликда тарихга айланиб қолди. Ўша йиллар «Бухоро ҳақиқати» газетасининг «Хоразм ҳақиқати», «Қашқадарё ҳақиқати», «Ленин йўли», Россиянинг «Челябинский рабочий» рўзномалари билан ҳамкорликдаги қўшма сонларини чиқариш анъанаси вужудга келди. Бу анъана ҳозир ҳам давом эттирилиб, қардош Туркманистон, Тожикистон, жумҳуриятимиз вилоят газеталари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Матбуотнинг куч-қудрати ҳаётга яқинлиги ва халққа таянишидадир. Газетамиз район ва шаҳарларда редакция кунларини ўтказмоқда. «Очиқ хат»лар кунлари, телефон сим орқали мулоқотлар ўтказилапти, меҳнат коллективларидаги учрашувлар, газетхонлар конференциялари, ишчи-қишлоқ мухбирлари университети машғулотлари жамоатчилик асосида йўлга қўйилган. Олинаётган хатлар ҳам борган сари кўпаймоқда. Бундан беш йил илгари бир йил ичида меҳнаткашлардан бир-бир ярим минг хат-хабар олинган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 4-5 баравар ошди.

КПСС Марказий Комитетининг «Правда» газетаси тўғрисида»ги қарори ижодий коллективимиз томонидан дастуруламал сифатитида қабул қилинди. Таҳрир ҳайъати матбуот саҳифаларида жамият маънавий ҳаёти барча соҳаларининг хилма-хиллиги яна ҳам кенгроқ ёритилиши тадбирларини белгилаб чиқди. Ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган область партия комитети пленумида вилоят газеталари муҳаррирларининг ҳисоботлари эшитилиб, ишда йўл қўйилаётган нуқсонлар кўрсатиб берилди. Пленум қатнашчиларининг берган баҳоси, таклиф ва мулоҳазалари газетамиз фаолиятини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Газетамизда халқлар дўстлиги ва байналмилалчилик мавзуи асосий ўрин эгаллаган. Шу йилдан бошлаб унинг ҳафталик бир саҳифаси тожик тилида чиқарила бошланди. Рўзномамизнинг шанба сонлари меҳнаткашларнинг дам олиш кунларини кўнгилли ва маданий-ўтказиш масалаларига бағишланмоқда.

Журналистлар энг муҳим муаммолардан бири Озиқ-овқат программасини бажариш вазифаларини ёритишга кўпроқ эътибор беряптилар. Экология муаммолари газета саҳифаларидан тушмаяпти. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доимий мавзу бўлиб қолди.

Бундан кейин ҳам асосий эътиборни Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари асосида қайта қуриш, янгиланиш, янги сиёсий системада жумҳурият Компартияси ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, социалистик демократия, ошкоралик, коммунистик тарбия, интизом ва масъулиятни кўчайтириш, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт муаммолари масалаларига дадил, ҳозиржавоблик билан қаратаверамиз.

Қайта қуришни қўллаб-қувватлаш ва демократиялашни фаол ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга фаол кўмаклашиш, партия белгилаб берган масъулиятли режаларни амалга ошириш учун курашиш рўзнома ижодкорларининг бурчи бўлиб қолади.

А. НИЕЗМУРОДОВ,
«Бухоро ҳақиқати» область газетасининг муҳаррири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист.

• *«Бухоро ҳақиқати» рўзномасининг 70 йиллигига*

Мана 70 йилдирки, вилоятимиз меҳнаткашлари учун қадрдон бўлиб қолган «Бухоро ҳақиқати» рўзномаси ҳар тонгда ўз муштарийлари қалбига ёғду сочмоқда, илҳомбахш ва мададкор сўзи, таъсир кучи билан элнинг ташвиш ва қувончларига жўровоз бўлмоқда.

ИЖОДИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИДАН

Сирдарё области. Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози 7-бўлимнига қарашли биринчи бригадаси маккажўхорикорлари бу йил ҳар гектар ердан 60 центнердан дон олишга сўз беришган. Айни кунларда миришкорлар маккажўхорига иккинчи ишлов бермоқдалар.

● Бригадир Ғофуржон Орифжонов (чапда) ва механизатор Абдуғаффор Ортиқов далада.
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ДАЪВОГАРЛАР САФИДА

Жаҳон чемпионатида яна бир туркум ўйинлар—нимчорак финал учрашувлари ортда қолди. Энди навбат чорак финал ўйинларига. 30 июнь ва 1 июль кунлари ўтказиладиган учрашувлардан кейин чемпионликка даъвогар тўрт команда сараланади.

Сўнгги нимчорак финал учрашуви Англия—Бельгия (1:0) ва Испания — Югославия (1:2) командалари ўртасида бўлиб ўтди. Шундай қилиб, чорак финалда ўзаро куч синашадиган коллективлар аниқланди. Қизиғи шундаки, курашни давом эттираётган 8 командининг тенг ярми жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган коллективлар ҳисобланади. Булар орасида Камерун футболчиларининг курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб турганликлари кўпчиликни ҳам қувонтириб, ҳам ҳайратга солмоқда.

Камерунликлар энди 1966 йили жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган Англия футболчилари билан майдонга тушишга шайланишмоқда. Бу ўйинда шиддатли ва ҳужумкор ҳаракатлари билан ҳаммани лол қолдираётган камерунликлар ёки босиқ ва вазминлик билан ўйин «калити»ни топиш устаси ҳисобланувчи Англия футболчиларининг устун келишини вақт кўрсатади.

Шунингдек, ЧСФР футболчиларига ҳам осон тутиб бўлмайди. Улар икки марта чемпион бўлган ГФР командасига қарши ўйнайдилар. Югославия футболчилари эса чемпионлик унвонини сақлашга ҳаракат қилаётган Аргентина командаси билан майдонга тушадилар. Уч марта чемпион бўлган Италия футболчиларини яна бир бор ғалаба нашидаси билан бахраманд бўлишларига катта умид боғланмоқда. Майдон эгалари чорак финал учрашувини Ирландия командаси билан ўтказадилар. Ана шу тўрт учрашувда ғолиб чиққан коллективлар 3 ва 4 июль кунлари ярим финал баҳсларига киришадилар.

• *Виждонан меҳнат қилаётганлар*

ҲАМНАФАСЛИК

● Тошкентдаги политехника институтининг ўқув хоналарининг бирида домла маъруза қилмоқда. Унинг сўзларида даниллик ва ўзига хос бир ишонч аломатлари сезилиб турибди. Дарс охирлай деганда, ҳар галгидай бу сафар ҳам, талабалар домланн саволларга кўмиб ташладилар. Жавоблардан қониққанларидан сўнг эса, миннатдорчилик билдириб, навбатдаги дарсларга ошиқдилар. Домла эса КПСС тарихи кафедраси томон йўл олди.

...Дунёга келиб онасидан уч кунлик етим қолган чақалоққа бувиси исм қўйди, уни тарбиялаб ўз фарзандидай бағрига босди. Сўнгра ўсиб, улғайганида Чаға қишлоғидан анча узоқ бўлса-да, Туркистон шаҳридаги янги услубдаги мактабда билим олишга, сўнгра эса Самарқанд шаҳридаги педагогика билим юртига йўллаганида ҳам шу азиз инсон ёш Мавлонга омад тилаб қолганди. Анчагина зийрак ва илмга ташна Мавлон қунт билан ўқиди ва йигирма баҳорни қаршилаганда ўқитувчи гуворномасини қўлига олди.

Ёш муаллим М. Назаровни жумҳурият маориф вазирлиги Хоразм воҳасига ишга юборди. Чоржўйдан пароходга ўтириб манзилга йўл олган М. Назаровни яхши кутиб олдилар ва Урганч шаҳридаги ишчи факультетига ўқитувчи қилиб ишга тайинладилар. Унинг дастлабки иши Хоразмнинг турли жойларидан ўқув юртига талабаларни тўплаб келиш бўлди. Бу ишда унга комсомол ташкилотида ишлаётган фаоллар катта ёрдам бергандилар. Хоразмдаги икки йиллик вақт бир зумда ўтиб кетди. Шу давр ичида Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқанддан Тошкентда кўчган, бу ерга келган Мавлон Назаровни ЛКСМ Марказқўмида ишлашга таклиф қилгандилар. Аммо ўқишни давом эттиришга қатъий жазм қилгани учун у Самарқанддаги педагогика академиясига кирди. Ўзига қадрдон бўлиб қолган бу шаҳардаги аччиқ ҳаёт М. Назаровни ҳам оғир синовлардан ўтказганди. Шаҳарда очликдан силласи қуриб юрганлар, ҳар куни бозор атрофида жон берган кишиларни кўрган одамнинг кўнгли ғам-ғуссаларга тўлмасдан иложи йўқ эди.

М. Назаров ўқишни аъло даражада тугатди ва аспирантурага тавсия қилинди. Бу режанинг амалга ошишига мутахассисларга бўлган талабнинг кўплиги тўсқинлик қилди. Уни Тошкент педагогика институтидаги СССР халқлари тарихи кафедрасига ўқитувчи этиб йўлладилар. Кечагина ўзи билимга ташна талаба бўлгани учун бўлса керак М. Назаров ёшларнинг илмга ташналигини қондиришга астойдил ҳаракат қилди. Мамлакатнинг барча жойларидагидай қатағонлар авж олган бир вақтда, унинг ҳамма нарсага етадигандай бўлиб кўринган ақл-фаросати нима сабабдан халқ фарзандларининг душман деб айбланаётганига етмасди. Айниқса ўзи билган ва ҳурмат қиладиган шоир Усмон Носирнинг ўткир мазмунли шеърлари Мавлоннинг қалбида чуқур из қолдирганди.

Эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган М. Назаров ҳаётида ўчмас из қолдирган воқеалардан бири, уни ВКП (б) сафига ишонч билан қабул қилишди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари лавозимида ишлаётган М. Назаровни Усмон Юсупов ҳузурига чақириб қолди. Марказқўм котиби у билан бироз суҳбатлашгач, уни Фарғона область партия комитетининг мафкуравий ишлар бўйича котиби лавозимига тавсия этилганини айтди. Ўзига билдирилган юксак ишончни оқлаш учун энди фронтдаги тенгдошлари қатори астойдил, фидойилик билан меҳнат қилишга интилди. Ўз меҳнати билан фронтдаги ғалабани таъминлашга интилаётган фарғоналик ишчи-деҳқон ва зиёлиларнинг кўнглини яхши билим ва тажрибаларини мустаҳкамлаш имкони вужудга келганидан фойдаланган М. Назаров ВКП (б) Марказий Комитети қошидаги Ижтимоий фанлар академиясига ўқишга кирди. Орадан уч йил ўтгач эса, у бу даргоҳни тарих фанлари номзоди деган илмий унвон билан тугатиб, Тошкентга қайтди ва область партия комитетининг мафкуравий ишлар бўйича котиби этиб сайланди.

Оғир дардга чалинган М. Назаровни Кремлдаги ҳукумат касалхонасининг жарроҳлари даволаб оёққа турғиздилар. Саргайиб Тошкентга қайтгач эса, у ўзини масъул лавозимдан озод қилишларини сўради ва доирилфунуннинг дастлаб Ўзбекистон ССР тарихи, сўнгра эса СССР халқлари тарихи кафедраларига мудирлик қилди. Илм-фан соҳасига эътибор бергани учун ҳам 1963 йилда М. Назаров Ўрта Осиё олимлари орасида биринчи бўлиб, КПСС тарихи фанидан докторлик диссертациясини ёқлади. Шу билан биргаликда ўз қўл остида ишлаётган П. Ковалев, Л. Гентшке, О. Содиқов, А. Н. Савицкий, А. П. Чабров каби талантли ўқитувчиларнинг кандидатлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлашларига бевосита кўмаклашди.

Кейинги чорак асрдан ортиқ вақт давомида М. Назаровнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти инженерлар тайёрлаш ишлари билан чамбарчас боғлиқ. У КПСС тарихи кафедрасига 23 йил мудирлик қилди, бир неча маротаба институт партия қўмитаси аъзоси бўлди ва бошқа жамоат ишларида фаоллик билан қатнашиб келмоқда. Қатъиятлилиги, ишга масъулият билан ёндашиши, ёшларга мураббий сифатида меҳрибонлиги билан профессор М. Назаров жумҳуриятимизда таниқли олим сифатида катта ҳурматга сазовор. Ўзбекистон ва қўшни республикаларда меҳнат қилаётган ўндан ортиқ фан докторлари ва олтмишга яқин тарих фани номзодлари профессор М. Назаровни фахр билан ўз устозлари дейишади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор М. Назаров сермаҳсул олимлардан бири. Унинг қаламига мансуб 80 дан ортиқроқ илмий рисолалар босмадан чиқарилган. Бугунги кунда олимнинг қаламига мансуб «Туркфронт» қўмондони» номли китобча «Ўзбекистон» нашриётида чоп қилинмоқда. Яқинда у ўлкамиз тарихида из қолдирган РКП (б) Мусулмонлар бюроси фаолияти ҳақидаги рисолани ёзиб тугатди. Эндиликда у босмачилик ҳаракатининг келиб чиқишидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабабларни ўрганиш устида изланишлар олиб бормоқда.

М. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтнинг катта илмий ходими.

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 30 июнда чиқади).

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

1990-1991 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМНИНГ БИРИНЧИ КУРСЛАРИГА ҚУИИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУИИЧА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

0703 — Еқилғи — энергетика комплекси тармоқларида иқтисодиёт ва бошқариш (кундузги).

0708 — Қурилиш иқтисодиёти ва бошқарув (кундузги, кечки, сиртқи).
0716 — Ишлаб чиқаришни ташкил этиш (кундузги).
*0801 — Геологик суратга олиш, қазилма бойликларни излаш ва разведка қилиш (кундузги, сиртқи).
*0802 — Разведка ва излашнинг геофизик усуллари (кундузги).
*0804 — Гидрогеология ва инженерлик геологияси (кундузги).
*0805 — Нефть ва газ геологияси (кундузги, сиртқи).
*0806 — Қазилма бойликлари конларини разведка қилиш технологияси ва техникаси (кундузги).
*0901 — Маркшейдерлик иши (кундузги).
*0902 — Фойдали қазилма конларини қазиб олишнинг ерости усуллари (кундузги, кечки).
*0903 — Фойдали қазилмаларни бойитиш (кечки).
*0905 — Очиқ кон ишлари (кундузги, кечки, сиртқи).
*0907 — Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш (кундузги, сиртқи).
0908 — Нефть — газ қувурлари ва газ — нефть омборларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш (кундузги, сиртқи).
*0909 — Нефть ва газ қувурларини бурғулаш (кундузги, сиртқи).
*1001 — Электр станциялари (кундузги, сиртқи).
*1002 — Электр — энергетика системалари ва тармоқлари (кундузги, сиртқи).

*1003 — Гидроэлектроэнергетика (кундузги, сиртқи).
*1004 — Электр билан таъминлаш (соҳалар бўйича) (кундузги, кечки, сиртқи).

*1005 — Иссиқлик электр станциялари (кундузги, кечки).
*1006 — Иссиқлик электр станцияларида сув ва ёнилғи технологияси (кундузги).
*1007 — Саноат иссиқлик энергетикаси (кундузги, сиртқи).

*1102 — Рангли металлар металлургияси (кундузги, кечки).
*1701 — Кон машиналари ва ускуналари (кундузги, кечки, сиртқи).
*1801 — Электромеханика (кундузги, кечки).
*1803 — Электр изоляцияси, кабель ва конденсатор техникаси (кундузги, сиртқи).

2001 — Физикавий электроника (кундузги).
2003 — Микроэлектроника ва ярим ўтказгич асбоблари (кундузги, кечки).

2005 — Саноат электроникаси (кундузги, кечки, сиртқи).
*2101 — Техника системаларини бошқариш ва автоматлаштириш (кундузги, кечки).
*2103 — Технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (кундузги).
*2105 — Саноат қурилмалари ва технологик комплексларда электр узатишни автоматлаштириш (кундузги, кечки).
*2106 — Робототехника системалари ва комплекслари (кундузги).

*2201 — Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, системалари ва тармоқлари (кундузги, кечки).
*2202 — Информацияни ишлаш ва бошқаришни автоматлашган системалари (кундузги, кечки).
2204 — Ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган системаларни программа билан таъминлаш (кундузги, кечки).
*2205 — Электрон ҳисоблаш воситалари технологияси ва конструкциясини тузиш (кундузги).
2301 — Радиотехника (кундузги, кечки).
2303 — Радиоэлектроника воситалари технологияси ва конструкциясини тузиш (кундузги).
*2501 — Органик моддаларнинг кимёвий технологияси (кундузги, кечки).

*2502 — Анорганик моддаларнинг кимёвий технологияси (кундузги, кечки).
*2504 — Ёнилғи ва углерод материалларининг кимёвий технологияси (кундузги).

*2506 — Пластмасса ва эластомерларни қайта ишлаш технологияси (кундузги, кечки).
*2508 — Сопол ва ўтга чидамли нометалл материалларнинг кимёвий технологияси (кундузги, кечки, сиртқи).

2512 — Кимёвий ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари ва кимё кибернетикаси (кундузги).
2513 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш (кундузги).
*2602 — Ёғочсозлик технологияси (кундузги, сиртқи).
2704 — Ачитқи ишлаб чиқариш ва виночилик технологияси (кундузги).

2706 — Ёғ технологияси (кундузги, сиртқи).
2707 — Консервалаш технологияси (кундузги).
2901 — Архитектура (кундузги, кечки).
2903 — Саноат ва граждан қурилиши (кундузги, сиртқи, кечки).

*2904 — Гидротехника қурилиши (кундузги).
2905 — Коммунал хўжалиги қурилиши (кундузги).
*2906 — Қурилиш буюмларини ва конструкцияларини ишлаб чиқариш (кундузги, кечки).
2907 — Иссиқлик — газ билан таъминлаш ва шамоллатиш (кундузги, кечки, сиртқи).
2908 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан рационал фойдаланиш ва муҳофаза этиш (кундузги, кечки).
*3001 — Амалий геодезия (кундузги, сиртқи).

ЭСЛАТМА: «*» — ноёб ихтисосликлар.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

1. Институтга кирувчилардан аризалар қуйидаги муддатларда қабул қилинади: кундузги таълимга 25 июндан 15 июлгача; кечки ва сиртқи таълимга 10 июндан 13 августгача.

2. Институтга кирувчиларнинг қабул комиссиясига тақдим этадиган ҳужжатлари рўйхати: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; 086/У формали медицина справкаси; меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажига эга бўлганлар учун); 3х4 см. ўлчамли 8 та фотосурат; паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат (шахсан кўрсатилади).

3. Кириш имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади: кундузги таълим учун 16 июлдан 2 августгача; кечки ва сиртқи таълим учун 1 августдан 13 августгача ва 15 августдан 26 августгача.

4. ТошПИга кириш учун учта фандан имтиҳон топшириш белгиланган: Улардан иккитаси ихтисослик бўйича конкурсли фанлардан бўлиб, беш балли системада баҳоланади; учинчи имтиҳон ўзбек (рус) тили ва адабиётидан (конкурсдан ташқари) диктант шаклида ўтказилади ва икки баллик «қониқарли» ва «қониқарсиз» системада баҳоланади.

Кириш имтиҳонлари танланган ихтисосликка қараб топширилади:

а) техникавий ва инженерлик иқтисодиёти ихтисосликларида: математика (ёзма), физика (ёзма) — конкурсли, ўзбек (рус) тили ва адабиёти (диктант) — конкурсдан ташқари;

б) кимё — технологияси ва технологик ихтисосликларда: кимё (оғзаки) ва математика (ёзма) — конкурсли, ўзбек (рус) тили ва адабиёти (диктант) конкурсдан ташқари;

в) архитектура ихтисослигига: расм ва чизмачилик — конкурсли, ўзбек (рус) тили ва адабиёти (диктант) — конкурсдан ташқари.

5. Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаллар, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли дипломлар билан тамомлаганлар битта имтиҳон топширадилар: геология-разведка, тоғ-кон металлургияси, нефть ва газ, автоматлашган бошқариш системалари, саноат ва граждан қурилиши, инженер-қурилиш факультетларида — математика (ёзма); радиоэлектроника ва автоматика, энергетика, саноат энергетикаси факультетларида — физика (ёзма), кимё — технология факультети ҳамда 1006, 1102, 2501, 2504 ихтисосликларида — химия (оғзаки); архитектура факультетида — расм. «Беш» баҳо олинган тақдирда улар бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар ва олий ўқув юртига қабул қилинадилар. «Тўрт ёки «уч» баҳо олинган тақдирда бошқа имтиҳонларни ҳам топширадилар.

6. ТошПИда қуйидаги ўта ноёб ихтисосликлар бўйича қабул қилиш ташкил этилади: 0801, 0802, 0804, 0805, 0806, 0901, 0902, 0903, 0905, 0907, 0909, 1001, 1002, 1003, 1004, 1005, 1006, 1007, 1102, 1701, 1801, 1803, 2101, 2103, 2105, 2106, 2201, 2202, 2205, 2303, 2501, 2502, 2504, 2506, 2508, 2602, 2904, 2906, 3001. Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль ёки ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар бу ихтисосликларга кириш имтихонларисиз суҳбат натижалари бўйича қабул қилинадилар. Суҳбат кириш имтиҳонларидан олдин ўтказилади.

7. Танланган ихтисослик бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва шу соҳада камида бир йил ишлаганлар кириш имтиҳонларисиз суҳбат натижалари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ҳамда сиртқи бўлимларга қабул қилинадилар. Суҳбат кириш имтиҳонларидан олдин ўтказилади.

8. Институтга кирувчилар кириш имтиҳонларида тўплаган баллари сонига қараб олий ўқув юртига қабул қилинадилар.

Запасга бўшатилган ва белгиланган ҳукумат имтиёзларидан фойдаланувчи ҳарбий хизматчилар, етим болалар ва ота-онаси қаровисиз қолган болалар кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олганларидагина конкурссиз қабул қилинадилар.

Танланган ихтисослик бўйича камида бир йил ишлаганлар, кейинги уч йил ичида запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб турдош ихтисосликка кирувчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга дастлабки конкурс бўйича қабул қилинадилар.

9. Барча кириш имтиҳонлари ўрта умумий таълим мактаби ўқув программасига мувофиқ тарзда ўтказилади.

10. Факультетларнинг манзилгоҳи ва телефонлари: **700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси; Геологияқидирув факультети телефон: 46-05-49, Тоғ-кон-металлургияси факультети телефон: 46-04-59, Нефть ва газ факультети телефон 46-62-08, Энергетика факультети телефон: 46-08-01, Саноат энергетикаси факультети телефон: 46-08-78, Радиоэлектроника ва автоматика факультети телефон: 46-03-44, Автоматлашган системаларни бошқариш факультети телефон 46-04-57, Кимё — технологияси факультети 700029,: Тошкент, Шевченко кўчаси — 1, телефон: 56-83-94, Архитектура факультети — 700029, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси — 15, телефон: 33-17-66, Саноат ва граждан қурилиши факультети — 700000, Тошкент, Якуб Колас кўчаси — 16, телефон: 68-22-35, Инженер — қурилиш факультети — 700000, Тошкент, Ульяновск кўчаси 3, телефон: 68-52-75, Чирчиқ кечки факультети 702100, Чирчиқ шаҳри, Ломоносов кўчаси —1, телефон: 6-35-88, Олмалиқ кечки кон-металлургия факультети — 702414, Олмалиқ шаҳри, Ленин кўчаси — 56, телефон: 4-23-77, Ангрен кечки умумтехника факультети — 702500, Ангрен шаҳри, квартал 5/2, телефон: 4-23-77, Жиззах филиали 708000 Жиззах шаҳри, Ульяновск катта кўчаси, телефон: 3-80-74, Нукус умумтехника факультети 742000, Нукус шаҳри, Қўнғирот кўчаси, телефон: 2-22-84. Қарши умумтехника факультети, Қарши шаҳри.**

Қабул комиссиясининг адреси: 700095, Тошкент — 95, Талабалар шаҳарчаси, ТошПИ, Нефть ва газ факультети, 102-хона, қабул комиссияси. Телефонлар: 48-80-96, 41-13-51.

КУНДУЗГИ БУЛИМГА:

МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ: тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш саноати машина ва аппаратлари мутахассисликлари бўйича инженер-механиклар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: тўқимачилик ва енгил саноат машина ва аппаратлари, тўқимачилик машинасозлиги.

ПАХТАНИ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ: табиий толалар ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари мутахассисликлари бўйича инженер-механик-технологлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва ускуналари, каноп толаларини дастлабки ишлаш технологияси ва ускуналари, пиллани дастлабки ишлаш технологияси ва ускуналари.

Тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш саноати машина ва аппаратлари мутахассислиги бўйича инженер-механиклар тайёрлайди.

Ихтисослик: пахта тозалаш саноати машина ва аппаратлари.

МЕХАНИКА-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ: табиий ва кимёвий толаларни йигириш мутахассислиги бўйича инженер-технологлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: пахта ва кимёвий толаларни йигириш, табиий ипак технологияси, тўқимачилик материалшунослиги ва тўқимачилик ишлаб чиқариш сифатини бошқариш.

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТРИКОТАЖ ФАКУЛЬТЕТИ: газламалар ва трикотаж технологияси мутахассислиги бўйича инженер-технологлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: газламалар технологияси, трикотаж технологияси.

ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ: тикувчилик буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш мутахассислиги бўйича инженер-технологлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: тикув буюмлари технологияси, тикув буюмлари конструкцияси.

Чарм буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш мутахассислиги бўйича инженер-технологлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: пойабзал технологияси, пойабзалларни конструкциялаш.

КИМЕ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ: пардозлаш ишлаб чиқаришнинг кимёвий технологияси ва ускуналари, пластик массалар ҳамда эластомерларни қайта ишлаш технологияси мутахассислиги бўйича инженер-кимёгарларни тайёрлайди.

Ихтисосликлар: пардозлаш ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари, кимёвий толалар технологияси.

Полиграфия ишлаб чиқариш технологияси бўйича инженер-технологлар тайёрлайди.

Ихтисослик: полиграфия ишлаб чиқариш умумий технологияси.

ИНЖЕНЕР-ИҚТИСОДЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ: тўқимачилик ва енгил саноат иқтисоди ва уни бошқариш мутахассисликлари бўйича инженер-иқтисодчилар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш, пахта саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва нормаллаш.

ҚЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТ:

Қуйидаги мутахасесликлар бўйича инженерлар тайёрлайди:

— тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш саноати машина ва аппаратлари.

Ихтисослик: тўқимачилик саноати машина ва аппаратлари.

— табиий ва кимёвий толаларни йигириш.

Ихтисослик: пахта толаларини йигириш.

— газлама ва трикотаж технологияси.

Ихтисослик: газламалар технологияси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ИЙЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

1990-1991 ўқув йили учун Қуйидаги факультетларнинг биринчи курсига

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— тикув буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш.

Ихтисосликлар: тикув буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш.

чарм буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш.

Ихтисослик: пойабзал технологияси.

СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТ:

қуйидаги мутахассисликлар бўйича инженерлар тайёрлайди:

— табиий толалар ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари.

Ихтисослик: пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва ускуналари.

— табиий ва кимёвий толаларни йигириш.

Ихтисослик: табиий ипак технологияси.

— газламалар ва трикотаж технологияси.

Ихтисосликлар: газламалар технологияси, трикотаж технологияси.

— тикув буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш.

Ихтисосликлар: тикув буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш.

— чарм буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш.

Ихтисослик: пойабзал технологияси.

— полиграфия ишлаб чиқариш технологияси.

Ихтисослик: полиграфия ишлаб чиқариш умумий технологияси.

— тўқимачилик ва енгил саноат иқтисоди ва уни бошқариш.

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш, пахта саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш,

ИНСТИТУТНИНГ НАМАНГАН ФИЛИАЛИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича инженерлар тайёрлайди:

Кундузги таълим бўйича. Наманган шаҳрида:

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати иқтисоди ва уни бошқариш, газламалар технологияси, пахта ва кимёвий толаларни йигириш.

КЕЧКИ ТАЪЛИМ БУИИЧА:

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати машина ва аппаратлари, газламалар технологияси, пахта толаларини йигириш.

СИРТҚИ ТАЪЛИМ БУИИЧА:

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати машина ва аппаратлари, пахта толаларини йигириш, газламалар технологияси.

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ:

СССР олий ўқув юртларига ўрта маълумотга эга бўлган СССР гражданлари, шунингдек СССР территориясида яшовчи чет эл гражданлари қабул қилинади. Кундузги бўлимга 35 ёшгача бўлган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олувчилар — ёшидан қатъий назар қабул қилинади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга танлаган мутахассислиги бўйича ишлаётганлар қабул қилинади.

ҚАБУЛ ТАРТИБИ

Ариза (махсус формада) **танлаган ихтисоси бўйича ректор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади:** ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), олий ўқув юртига кириш учун корхона ёки муассаса маъмурияти томонидан берилган характеристика (мактабни битирган ўқувчилар учун характеристика шарт эмас), 086/У формадаги медицина справкаси, 6 та фотосурат (3х4 см ҳажмдаги, бош кийимсиз), ишлаётганлар учун меҳнат дафтарчасидан ёки колхозчи меҳнат дафтарчасидан маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирма.

паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги гувоҳномалар шахсан кўрсатилади.

ЎҚУВНИНГ БАРЧА ФОРМАЛАРИ БУЙИЧА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

Механика, механика-технология, инженер-иқтисодчилик, пахтани дастлабки ишлаш, трикотаж ва тўқувчилик, енгил саноат технологияси факультетлари мутахассисликларига кирувчилар учун — математика (ёзма), физика (ёзма — конкурсли), рус ёки ўзбек тили ва адабиёти (ёзма — конкурссиз).

Кимё-технология факультетига кирувчилар учун — математика (ёзма), кимё (ёзма — конкурсли), рус ёки ўзбек тили адабиёти (ёзма — конкурссиз).

Эслатма: Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ўрта махсус ўқув юрти ёки ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаб чиққан шахслар битта кириш имтиҳонини топширадилар, чунончи:

кимё-технология факультетида кимёдан ёзма, қолган факультетларга кирувчилар математикадан (ёзма) имтихон топширадилар.

Агар улар топширилаётган имтиҳондан «беш» баҳо олсалар, қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар ва институтга қабул қилинадилар, борди-ю «уч» ёки «тўрт» баҳо олсалар, қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Пахтани дастлабки ишлаш; каноп толаларини дастлабки ишлаш, пиллани дастлабки ишлаш; пахта саноати машина ва аппаратлари; тўқимачилик саноати машина ва аппаратлари; тўқимачилик машинасозлиги технологияси; пахта ва кимёвий толаларни йигириш; газламалар технологияси; табиий ипак технологияси каби ноёб ихтисосликларга кирувчи юқорида кўрсатилган имтиёзга эга бўлган шахслар, Тошкент шаҳрида кириш имтиҳонлари ўрнига суҳбатдан ўтадилар.

АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ

КУНДУЗГИ БУЛИМГА:

Аризалар 15 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 16 июлдан 31 июлгача ўтказилади.

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БУЛИМЛАРГА:

Аризалар 5 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 2 даврада ўтказилади:

1 давра — **5 июлдан 15 июлгача;**

2 давра — **5 августдан 20 августгача.**

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ

Аризалар кундузги бўлимга 15 июлгача, кечки ва сиртқи бўлимларга 5 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 16 июлдан 31 июлгача, кечки ва сиртқи бўлимларда 5 августдан 20 августгача ўтказилади.

Четдан кундузги бўлимга кирмоқчи бўлиб келганлар кириш имтиҳонлари даврида ётоқхона билан таъминланадилар.

Институт манзилгоҳи: 700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй (4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 2, 45, 50, 54-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати, 11-троллейбус; 32, 77, 173-автобусларнинг «Тўқимачилик институти» бекати).

Наманган филиали манзилгоҳи: 716030, Наманган шаҳри, 3-микрорайон, Косонсой кўчаси, 7-уй.

Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

1990-1991 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БУЛИМГА

Институт спортнинг акробатика: баскетбол, бокс, кураш (классик, эркин, самбо, дзюдо, миллий кураш) велоспорт, волейбол, денгиз кўпкураши, қўл тўпи, гимнастика, қайиқ ҳайдаш спорти, енгил атлетика, ГТО ёзги кўпкўраши (оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари ва туризмни ташкил этиш), сузиш, теннис, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол ва чим хоккей бўйича жисмоний тарбия ўқитувчилари-тренерлар тайёрлайди.

1990 йилдан институтнинг кундузги таълимида «Спорт кибернетикаси мутахассислиги очилган. Мазкур мутахассисликка кирган талабалар жисмоний тарбия институтларининг ўқув режимига кирган барча фанлар билан бир қаторда математика (олий математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, математик моделлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш методлари ва бошқалар), электрон-ҳисоблаш машиналарида (ЭҲМ)да программалаштириш каби фанлардан иборат махсус программа бўйича таълим оладилар: жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва амалиётда математик методларни ва электрон-ҳисоблаш техникасини қўллаш бўйича ихтисослашадилар.

СИРТҚИ БУЛИМГА

Таълимнинг кундузги шаклида кўрсатиб ўтилган спорт турлари бўйича жисмоний тарбия ўқитувчилари-тренерлар тайёрлайди.

Институтга кирувчилар танланган спорт тури бўйича камида учинчи катталар спорт разрядига эга бўлишлари даркор. Бу талаб «Спорт кибернетикаси» ихтисоси бўйича ўқишга кирувчиларга ҳам даҳлдордир.

Эслатма: «Оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари ва туризмни ташкил этиш» мутахассислиги бўйича ўқишга кирувчилар ГТО ёзги кўпкураши бўйича ёки унга кирувчи турлардан бири бўйича камида учинчи катталар спорт разрядига эга бўлишлари зарур.

Кундузги таълимга 35 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Сиртқи таълимга жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ишлаётганлар ёки ўрта физкультура маълумоти бўлганлар ёшидан қатъий назар қабул қилинади.

Хизмат кўрсатган спорт мастерлари, халқаро классдаги спорт мастерлари, СССРда ва иттифоқдош республикаларда хизмат кўрсатган тренерлар, СССР Қуролли Кучларидан запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар (бўшатилгандан кейин дастлабки уч йил мобайнида) танланган мутахассислик бўйича иш тажрибасига эга шахсларга тенгланадилар.

Ўқишга кирувчилар кириш имтиҳонларини қуйидаги тартибда топширишади: спортнинг танланган тури (конкурсли равишда) ; махсус жисмоний тайёргарлик — танланган спорт турига оид нормативлар; сузиш; биология — оғзаки (конкурсли равишда) ; ўзбек ёки рус тили адабиёти (ёзма).

Оммавий физкультура-соғломлаштириш ва туризмни ташкил этиш» ихтисосига кирувчилар ихтисослари бўйича қуйидаги имтиҳонларни топширадилар: ГТО ёзги кўпкураши, (100 м.га югуриш, кросс; эркаклар—3000 м. хотин-қизлар — 2000 м.га, 100 м.га сузиш, граната улоқтириш, 5м. га пиневматик милтиқдан ўқ узиш) .

ЭСЛАТМА: 16-18 ёшдаги ўсмирлар ва қизлар учун кросс 2000 ва 1000 м.га ўтказилади.

«Спорт кибернетикаси» мутахассислиги бўйича ўқишга кирувчилар қуйидаги имтиҳонларни топширадилар: математика (оғзаки) , конкурсли равишда; спортнинг танланган тури; сузиш; биология — оғзаки (конкурсли равишда) ; она тили ёки рус тили ва адабиёти — ёзма.

Ўқишга қабул фақат конкурсли имтиҳонларда тўпланган баллар бўйича ўтказилади. Қолган имтиҳонлар «қониқарли» ва қониқарсиз» усулида баҳоланади.

Ўрта мактабни битиришда олтин (кумуш) медаль билан тақдирланган ва ўрта жисмоний тарбия ўқув юртини имтиёзли диплом билан битирган шахслар ихтисосга оид битта (танланган спорт тури, спорт кибернетикаси» ихтисоси бўйича ўқишга кирувчилар учун эса математика) имтиҳонини ва ихтисосга оид бўлмаган битта (сузиш) имтиҳонини топширадилар.

Спортнинг танланган тури ёки математика бўйича имтихондан «беш» ва сузиш имтиҳонидан ижобий баҳо олганлар қолган имтиҳонлардан озод этилиб институтга қабул қилинадилар. «Тўрт» ва «уч» баҳо олганлар қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар ва конкурс асосида қабул қилинадилар.

Қабул комиссиясининг 1990 йил 26 апрелдаги қарорига биноан (саккизинчи протокол) сиртқи таълим факультетига қабул қилиш режасидаги 40 фоиз ўрин тугалланган ўрта жисмоний тарбия таълимга эга ва мутахассислиги бўйича камида уч йил ишлаган, суҳбатдан муваффақиятли ўтган, ҳамда дастлабки конкурс имтиҳонини ва сузишни ижобий баҳога топширган абитурентларни қабул қилишга ажратилади.

Суҳбат ўтказиш муддатлари: 1990 йил 9 июлгача ўтказилади.

Қолган абитуриентлар барча имтиҳонларни умумий асосларда топширишади.

Хизмат кўрсатган спорт мастерлари ва халқаро классдаги спорт мастерлари спортнинг ўзлари танлаган тури бўйича кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар.

Таълим муддати кундузги бўлимда тўрт йил, сиртқи бўлимда беш йил.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун) , тиббий справка (086/У шакли), 7 дона фотосурат (3х4 см, ҳажмидаги) , классификация билети ва ёшига мувофиқ ГТО гувоҳномаси (асл нусхалари), ГТО талабларини бажарганлик тўғрисидаги ҳужжат бир йил давомида амал қилади.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга алоқадор гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар таълимнинг сиртқи шаклига 9 июлгача, кундузги бўлимга 15 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари сиртқи таълим факультетига 11-25 июлда, кундузги бўлимга 17-31 июлда ўтказилади.

1 сентябрдан бошлаб таълим олиш ҳуқуқига эга талабалар қаторига ўтказиш 1-5 августда бўлади.

Институтга қабул қилинганлар Низомга мувофиқ махсус спорт кийими ва стипендия билан таъминланадилар.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

Институт қўнимгоҳи: 700052, Тошкент шаҳри, Новомосковский кўчаси, 2-уй.

Ўзбекистон Главлити жамоаси кекса ходим, шахсий пенсионер

Раҳмон Даминович ДИЕРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Спорт моллари» жумҳурият улгуржи чакана бирлашмаси жамоаси Самарқанд вилоятлараро базасининг директори Р. Комиловга онаси

Мухтабар ОМОНҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Р. — 10111. № 146. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12